



**TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

EXPECTED DURATION OF EDUCATION

HRM LIFE EXPECTANCY HEALTH STATUS HUMAN C

STATUS HUMAN CAPITAL HUMAN CAPITAL IND

VOLUME 7 / 2024

LABOR ECONOMIC

QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION

DURATION OF EDUCATION

LIFE EXPECTANCY HEALTH

HRM HUMAN CAPITAL

HUMAN CAPITAL INDEX

QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION

MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

ilmiy elektron jurnali

LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

scientific electronic journal

2024 yil 1-son

Volume 7, Issue 1, 2024



МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ
ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
ISSN: 3030-3117



LABORECONOMICS.UZ

МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
№ 1-2024

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ
КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro’yxatga olingan.

Muassis: “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

Tahririyat manzili:

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko’chasi,
49 uy

Elektron manzil: ilmymaktab@gmail.com

Jurnal web-sayti: www.laboreconomics.uz

Bog’lanish uchun telefonlar:

+998998818698

Tahririyat Kengashi raisi:
(Chairman of the Editorial Board)

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

Tahririyat Kengashi a'zolari:
(Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.
Yusupov Axmadbek Tadiyevich, i.f.d.. prof.
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d.. prof.
Xudoibergaliyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.f.d., (PhD), dots.
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

Jamoatchilik Kengashi a'zolari:
(Community Council members)

Bred Bodenxauzen (AQSh)
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)
Xeynz Miller (AQSh)
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)
Masato Xivatari (Yaponiya)
Gerxard Feldmayer (Germaniya)
Eko Shri Margianti (Indoneziya)
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)
Rohana Ngah (Malayziya)
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)
Teguh Dartanto (Indoneziya)
Nur Azlinna (Saudiya Arabiston)
Muhammed Xoliq (Pokiston)
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief): G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

Veb-administrator (Web admin): Musayev Xurshid Sharifjonovich



+99899 881-86-98



ilmiyaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



www.laboreconomics.uz

MUNDARIJA (CONTENTS)**MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

G.K.Abduraxmanova	<i>Mamlakat aholisini unumli bandlik darajasini oshirish mexanizmini takomillashtirish</i>	7-18
S.B.G'oyipnazarov		
S.P.Qurbanov		
B.E.Mamaraximov	<i>Ishchi kuchini takror ishlab chiqarish yoshlar bandligini ta'minlash omili sifatida</i>	19-25
A.A.Yadgarov	<i>Agrar tarmoqni su'urtalasha malakali kadrлar tayёрлаш ҳолати ва rivojlanтириш истиқболлари</i>	26-32
S.P.Qurbanov	<i>O'zini o'zi band qilishda zaif bandlikdan unumli bandlik sari transformatsion jarayonlar</i>	33-45
N.R.Saidov	<i>Yangi ish o'rinalarini tashkil etishga investisiyalar ta'sirini ekonometrik tahlili</i>	46-56
F.O'Masharipov	<i>Meҳнат бозорида xусусий сектор эҳтиёжи асосида ўрта бўғин кадrларини тайёрлаш: muammolар ва eчимлар</i>	57-70
S.M.Kurbanbayeva	<i>Kвалификационные рамки в современном образовании и рынке труда</i>	71-80
I.X.Xuvaydullayeva	<i>Миллий меҳнат бозорида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиши имкониятлари</i>	81-90
G.R.Kuziyeva	<i>O'zbekistonda raqamlashtirish va ta'lim orqali mehnat unumdorligini oshirishning miqdoriy tahlili</i>	91-101

INSON KAPITALI

A.B.Irmatova	<i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitalini rivojlantirishda o'qitish tizimi</i>	102-117
A.M.Saidahmadov		
S.M.Dusanov	<i>Taъlim tizimida moliajvий ресурслар самарадорлигини оширишининг rivojlanangan horижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари</i>	118-134
I.I.Ergashev	<i>Kичик бизнес ва xусусий тадбиркорликни rivojlanтиришда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш uslubиёti</i>	135-145
Sh.A.Xodjayeva	<i>Основы формирования и функционирования маркетинговой деятельности высших образовательных учреждений</i>	146-159

M.R.Babadjanova	<i>Иқтисодий категория сифатида инсон капиталининг моҳияти ва унда таълимни ўрни</i>	160-172
D.B.G'aniyeva	<i>Ходимларни ўқитиш ва ривожлантиришнинг дастурларининг самарадорлигини баҳолаш муаммолари</i>	173-184
 INSON TARAQQIYOTI		
D.I.Iskandarova	<i>O'zbekistonda aholi daromadlari va unga ta'sir etuvchi omillar tahlili</i>	185-194
 KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH		
M.X.Fayziyeva	<i>Kambag'allikni qisqartirishga raqamli texnologiyalarning ta'siri</i>	195-210
 INSON RESURSLARINI BOSHQARISH		
M.Sh.Xaydarova	<i>Использование автоматизации и искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами: тренды и ожидания</i>	211-221
M.M.Xolmatov	<i>Inson resurslarini samarali boshqaruvida inson kapitalini rivojlantirish</i>	222-232
G.Q.Mo'ydinova	<i>O'zbekistonda to'qimachilik korxonalarining rivojlanish holati va ularda xodimlarni boshqarish tendensiyalari tahlili</i>	233-238
O.I.Rasuljonov	<i>KPI – xodimlar faoliyati samaradorligini baholashning zamонавији тизими</i>	239-246
 TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH		
S.U.Ismailova D.U.Adilova	<i>Теоретические основы развития стратегии цифрового маркетинга на рынке сферы услуг и туризма</i>	247-254
Z.M.Jabborova	<i>Jizzax viloyatida kichik biznes va tadbirkorlikda mehnat munosabatlarining rivojlanishi holati</i>	255-263
S.S.Mamatqulov D.I.Iskandarova	<i>O'zbekistonda tadbirkorlikni innovatsion rivojlantirish asosida aholi farovonligini yuksaltirish yo'llari</i>	264-274
M.Sh.To'xtayeva	<i>Platformalarda informatsion xaritalar – aholi tadbirkorlik qobiliyatini rivojlantiruvchi vosita sifatida</i>	275-282
T.A.Urkinbayev	<i>Влияние реформ в сфере туризма на рост экономики Узбекистана и развитие предпринимательства</i>	283-292

D.A.Vahobov

- Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш 293-305
Factors and assessment methods in the development of HR branding: foreign experience 306-314

Z.Dj.Adilova

O.U.Oxunova

GENDER TENGLIK

- O'zbekiston mehnat bozorida gender tengligi: muammolar va islohotlar* 315-324



МЕХНАТ ИКТИСОДИЙ
ВА ИНСОН КАПИТАЛИ
ISSN: 3030-3117



ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ
МОҲИЯТИ ВА УНДА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Бабаджанова Малика Рузимовна

ТДИУ мустақил изланувчиси

malikababajanova2021@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a67

Аннотация. Мақолада инсон капитали моҳияти турли ижтимоий-иктисодий, ишлаб чиқариш, мулкий, шахсий, тақсимлаш, институтционал, ижтимоий, такрор ишлаб чиқариш ёндашувларидан фойдаланиб унинг мазмуни ва унда таълимнинг ўрни очиб берилган. Инсон капитали категорияси ижтимоий-иктисодий тадқиқотларнинг мураккаб тизимли-таркибий обьекти бўлиб ҳисобланади. Инсон капитали, ёлланма ходимга иш ҳақи шаклида, иш берувчига фойда шаклида ва давлатга солиқ шаклида даромад келтиради. Шунинг учун инсон капитали иқтисодий категория сифатида ёлланма ходим, иш берувчи ва давлат ўртасидаги меҳнат потенциали ва улар ўртасидаги даромадларни тақсимлаш бўйича амалга оширилган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

Калит сўзлар: инсон капитали, ишчи кучи, ишлаб чиқариш, мулкий, шахсий, тақсимлаш, институтционал, ижтимоий, такрор ишлаб чиқариш, таълим, қобилият, кўникма, билим, туғма қобилият, билимлар иқтисодиёти.

СУЩНОСТЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА КАК ЭКОНОМИЧЕСКОЙ
КАТЕГОРИИ И РОЛЬ ОБРАЗОВАНИЯ

Бабаджанова Малика Рузимовна

Исследователь ТГЭУ

Аннотация. В статье раскрывается сущность человеческого капитала с использованием различных социально-экономических, производственных, имущественных, личностных, распределительных, институциональных, социальных, воспроизводственных подходов к его содержанию и месту в нем образования. Категория человеческого капитала представляет собой сложный структурный объект социально-экономического исследования. Человеческий капитал приносит доход работнику в виде заработной платы, работодателю в виде прибыли и государству в виде налогов. Следовательно, человеческий капитал как экономическая категория представляет собой экономические отношения между работником, работодателем и государством по трудовому потенциалу и распределению доходов между ними.

Ключевые слова: человеческий капитал, труд, производство, собственность, личная, распределение, институциональная, социальная, воспроизводство, образование, способности, умения, знания, врожденные способности, экономика знаний.

**THE ESSENCE OF HUMAN CAPITAL AS AN ECONOMIC CATEGORY AND
THE ROLE OF EDUCATION**

Babajanova Malika Ruzimovna

Independent researcher of TSUE

Abstract. The article reveals the essence of human capital using various socio-economic, industrial, property, personal, distributive, institutional, social, reproductive approaches to its content and the place of education in it. The category of human capital is a complex structural object of socio-economic research. Human capital brings income to the employee in the form of salary, to the employer in the form of profit and to the state in the form of taxes. Therefore, human capital as an economic category represents the economic relations between the employee, the employer and the state on the labor potential and the distribution of income between them.

Keywords: human capital, labor, production, property, personal, distribution, institutional, social, reproduction, education, abilities, skills, knowledge, innate abilities, knowledge economy.

Кириш

Мамлакатимизда “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадри учун» тамоили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳукуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш долзарб эканлигини таъкидлаб ўтилган. Олий таълим тизими инсон капиталини такомиллаштирища ҳамда давлатнинг рақобатбардошлигини оширувчи муҳим дастақdir. Бу хақда муҳтарам Президентимиз қўйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир” [1]. Шу муносабат билан иқтисодий категория сифатида инсон капиталининг концептуал асослари, ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, мулкий, шахсий, тақсимлаш, институтционал, ижтимоий, тақрор ишлаб чиқариш ёндашувларидан фойдаланиб унинг мазмuni ва ижтимоий шакли ўртасидаги мувофиқлиги, жамғарилиши ҳисобидан такомиллашуви очиб бериш долзарб аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инсон капиталини тадқиқ этишининг назарий жиҳатлари ва унда таълимнинг ўрни масалалари қўйидаги хорижлик олимлар Ж. Бен-Порет, А. Маршал, Л.Туро, Сакайя Т., Дайзард У., Г. Бекер ва Т. Шульц томонидан ривожлантирилган.

Россиялик олимлардан Корогодин И.Т., Шевченко Д.А., Сергеева А.О., Черкашин М.Д., Редъко Л.Л., Солодуха П.В., Грузков И.В., Грузков В.Н., Ткаченко А.В., Титов В.А., Капелюшников Р.И., Реморенко, И.И., Рожков ва

бошқалар ушбу мавзуга бағишенгандын илмий-тадқиқот ишларини олиб борган.

Инсон капиталини тадқиқ этишининг назарий жиҳатлари ва унда таълимнинг ўрни масалалари Республикасиз олимларидан Академик Қ.Х.Абдураҳмонов, Р.А.Убайдуллаева, А.Ўлмасов, А.Ваҳобов, Г.Қ.Абдураҳмонова, С.А.Бозорова ва бошқаларнинг мазкур соҳага дахлдор илмий тадқиқот ишларини кўрсатиш мумкин.

Иқтисодий фандаги неоклассик мактаб вакили И. Фишер капитал таърифига инсонни киритган. У кўникума ва механика инсондан ташқари алоҳида капитал эмас, малакали механикнинг ўзи ҳам капитал сифатида таснифланиши керак[2] деб таъкидлаб ўтган.

Рус олими И.Т.Корогодин инсон капитали моҳиятининг концептуал асосларини очиб бериб, қачонки хар бир инсон ўз капиталининг эгаси бўлса, ва ушбу капиталнинг сифатини яхшилаш ва такомиллаштириш орқали даромад олиш ва уни кўпайтиришдан манфаатдор бўлади[3].

Замонавий инсон капитали назариясининг асосчиси Т. Шулц инсон томонидан қўлга киритилган, тегишли инвестициялар ҳисобига такомиллаштирилган, кучайтирилган ва ривожлантирилиши мумкин бўлган қимматли қобилиятларини биз инсон капитали деб атаемиз дейди[4].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Г.Қ.Абдураҳмонова ва С.А.Бозорова хулосаларига кўра инсон капитали обьектининг таркибий тузилиши қўйидаги: таълим капитали, шу жумладан умумий ва маҳсус билимлар; иш жойида ўқитиш капитали; соғлиқни сақлаш капитали; даромад келтириш мумкин бўлган иқтисодий ахамиятга эга маълумотларга эга бўлиш; ишчининг харакатчанлигини таъминловчи миграция капитали; меҳнат фаолиятини рағбатлантириш каби таркибий элементларни"[5] ўз ичига олади. Юқорида келтирилган тадқиқотларга асосланган холда, инсон капиталининг сифат белгиси - бу инсон капитали сифатининг таркибини ташкил этувчи алоҳида элементларга бирлаштирилиши мумкин бўлган ўзига хос хусусиятлар тўпламидир.

Тадқиқот методологияси

Мақолада диалектик, тизимли, интеграл ва синергетик ёндашувлар, иқтисодий, мантикий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, иқтисодий жараёнлар ва тизимларни моделлаштириш, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гуруҳлаш ва график усулларидан фойдаланилади.

Асосий таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда инсон капитали ҳақидаги иқтисодий билимлар муайян тадқиқот мақсадларига эришиш учун турли услубий йўналишлар ва асослардан фойдаланишни ўзига олади. Шу сабабли биз ҳам инсон капиталини тадқиқ этишда ижтимоий-иктисодий, ишлаб чиқариш, мулкий, шахсий, тақсимлаш, институтционал, ижтимоий,

такрор ишлаб чиқариш ёндашувларидан фойдаланамиз. Рус олим И.Т. Корогодин инсон капитали моҳиятининг концептуал асосларини очиб берип, "инсон капитали ижтиомий-мехнат тизимининг иқтисодий категорияси деб асослайди. Ушбу категория, биринчи навбатда, ижтиомий-иктисодий ва ижтиомий-мехнат муносабатларини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини ифодалайди. Уларнинг асосини шахсий ва хусусий мулкий муносабатлар ташкил қиласди. Унинг хуносаларига кўра кўра, инсонда ўз қобилияtlарига нисбатан шахсий мулкий муносабатлар вужудга келади. Қачонки хар бир инсон ўз капиталининг эгаси бўлса, ва ушбу капиталнинг сифатини яхшилаш ва такомиллаштириш орқали даромад олиш ва уни кўпайтиришдан манфаатдор бўлади. Хусусий мулк муносабатлари ёлланма ходим билан иш берувчи муносабатларга киришганда вужудга келади. Шундай қилиб, олим инсон капиталини тадқиқ этишда ўз тадқиқотида ижтиомий-иктисодий ёндашувдан фойдаланган. Инсон ўз кўникма ва маҳоратлари эгаси сифатида танланган фаолият соҳасида энг катта даромад олиш учун доимий равишда ўқиши, қайта тайёрланиш ва шахсий қобилияtlарини оширишга интилади. Хусусий мулк муносабатлари-бу ёлланма ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабатлардир.

Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида фаолият кўрсатаётган инсон капиталининг моҳияти шундаки, унда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш билан мувофиқлашган ўз-ўзидан ўсиб борувчи ўз-ўзидан ҳаракатланувчи қийматdir. Инсон капитали ижтиомий-иктисодий категория сифатида ёлланма ходимлар ва иш берувчилар, ишлаб чиқариш воситалари эгалари ўртасидаги, ижтиомий такрор ишлаб чиқариш тизимида даромад ва фойда олиш учун шахс томонидан жамғарилган билиmlар, қобилияtlар, мотивациялар йиғиндисидан амалий фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлардир. Инсон капиталини тадқиқ этишга бундай ёндашувни ишлаб чиқариш ёндашуви деб таърифлаш мумкин, чунки даромад олиш учун инсоннинг ишлаб чиқаришда билиmlар ва қобилияtlар ҳисобга олинган.

Иқтисодий категория сифатида инсон капитали-бу ёлланма ходим ва иш берувчи ўртасидаги ходимнинг меҳнат салоҳиятини амалга ошириш ва улар ўртасида даромадни тақсимлаш бўйича иқтисодий муносабатлардир[6]. Инсон капитали сифатида индивидуал ходимнинг бозор билан иқтисодий муносабатлари унинг товарларининг истеъмолчилари ўртасида товарлар ёки хизматларни сотиш ва даромад олиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни ифода этади. Инсон капитали, ёлланма ходимга иш ҳақи шаклида, иш берувчига фойда шаклида ва давлатга солиқ шаклида даромад келтиради. Шунинг учун инсон капитали иқтисодий категория сифатида ёлланма ходим, иш берувчи ва давлат ўртасидаги меҳнат салоҳияти ва улар ўртасидаги даромадларни тақсимлаш бўйича амалга оширилган иқтисодий

муносабатларни ифодалайди ва бу ерда тақсимлаш ёндашуви қўлланилади.

Инсон капитали иқтисодий категория сифатида бирламчи (индивидуал қобилияtlарни, шахсий хусусиятларни, ортирилган кўникма ва малакаларни шакллантириш) ва иккиламчи (хўжалик юритувчи субъектлар ва умуман жамиятнинг инновацион ривожланишига қўмаклашиш) ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ривожланаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг органик бирлигини ифода этади[7]. Бу ерда шахсий-инновацион ёндашув қўлланилади. Инсон ўзининг шахсий хусусиятлари, қобилияtlаридан фойдаланади ва жамоа, ташкилот, умуман жамият ривожига ҳисса қўшади.

Инсон капитали - бу ишчи кучи мавжудлигининг институционаллаштирилган ижтимоий-иқтисодий шакли бўлиб, ижтимоий қадрият сифатида ҳаракат қиласи ва уни шакллантириш, такомиллаштириш, жамғариш ва фойдаланиш билан боғлик муносабатлар тизимини ифодалайди[8]. Институционал ёндашувдан фойдаланган ҳолда, муаллиф инсон капиталининг моҳиятини нафақатгина оддий даромад оқимини ҳаракатга келтирадиган қиймат сифатида, балки мавжуд институционал тизимда шаклланниш ва фойдаланиш векторини белгилайдиган ижтимоий қиймат сифатида кўриб чиқади. Инсон капитали бу - унинг эгалари ва буюмлашган капитал эгалари ўртасида, уларни ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш ва даромад олиш мақсадиди, инсон капиталини шакллантириш, ривожланитириш ва такомиллаштириш жараёнида улар ўртасида юз берадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуидир. Бизнинг фикримизча, бу ерда инсон ва буюмлашган капиталнинг ўзаро таъсирини акс эттирувчи ёндашув қўлланилган. Муайян мақсадларга эришиш учун инсон қобилияtlарини шакллантириш ва улардан фойдаланиш бўйича субъектлар ўртасидаги муносабатлар кўриб чиқилган.

Инсон капиталининг моҳияти ижтимоий ўзаро таъсиrlар орқали ифодалаш мумкин. Профессионал фаолиятда меҳнат субъектини шакллантириш жараёнида инсон капитали қобилияtlарини яратиш ва уни сарфланиши, тақсимланиши, ресурсларни олиш ва улардан фойдаланиш бўйича алоҳида индивидлар ўртасидаги муносабатларни ифодаланади. Шундай қилиб, ижтимоий ёндашув ёрдамида инсон капиталининг моҳияти ижтимоий-меҳнат, касбий фаолият соҳаларда ижтимоий муносабатлар орқали кўриб чиқилади. Инсон ўз қобилияtlарини маълум бир ижтимоий гурухда шакллантиради ва ривожланитиради, хамда ушбу гурухнинг бошланишини таъминлайди. Шу билан бирга, ижтимоий гурух ўз мақсадларини кўзлайди, инсон қобилияtlаридан фойдаланган ҳолда ўз вазифаларини бажаради.

Инсон капитали сифати бу такрор ишлаб чиқариш жараёнида инсон капиталида намоён бўладиган ўзига хос белгилар ва хусусиятларни аниқлашга ёрдам беради, яъни бу инсон капиталининг моддий-ашёвий мамунини ва унинг ижтимоий шаклини ҳам тадқиқ этишга имкон беради. Ушбу ёндашув инсон капиталини доиравий ҳаракатини тадқиқ этишга ва унинг барча шаклланиш, тақсимлаш, айирбошлаш ва фойдаланиш босқичларни ўзаро алоқадорлик муносабатларини ифода этади.

Инсон капитали иқтисодий категория сифатида ижтимоий-иқтисодий тизимни ифода этади. Ушбу тизимда учта: субъект, объект ва субъектлар ўртасида маълум бир ёки бошқа объект тўғрисида вужудга келадиган муносабатлар асосий элемент сифатида мавжуд бўлади. Ушбу иқтисодий категориянинг обьекти инсон капиталининг ўзидир, унинг моддий мазмунини, шу жумладан ўз касби, малакаси, энергиясини, маънавий кучларини ва бошқаларни тавсифловчи шахснинг билими, кўникма, тажриба ва бошқа қобилияtlари ялпи тўпламидир. Иқтисодий категория сифатида инсон капитали субъектларига, биринчи навбатда, ушбу капитал эгаларининг ўzlари – тадбиркорлар, ёлланма ишчилар, шунингдек, инсон капиталининг такрор ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган хўжалик юритувчи субъектлардир (уй хўжаликлари, фирмалар, давлат киради).

Биз ушбу иқтисодий категориянинг унинг икки таркибий қисмини, бир бутунлиги сифатида унинг икки томони: моддий – буюмлашган ва ижтимоий томони сифатида такрор ишлаб чиқарилади деган холосага келдик. Инсон капиталининг моддий-буюмлашган томони унинг мазмунини ташкил қиласида ва инсон капиталининг ижтимоий томони унинг ижтимоий шакли сифатида намоён бўлади. Моддий-буюмлашган ва инсон капиталининг ижтимоий шаклини тўлиқ тадқиқ этиш учун бир қатор илмий тамойиллар зарур. Бу ерда тизимилилк тамойилини, такрор ишлаб чиқаришнинг мазмуни ва ижтимоий шакли ўртасидаги мувофиқлик тамойилини, такрор ишлаб чиқариш босқичларини кетмакетлиги тамойилини ва мулкий муносабатларни оддийдан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга ривожланиб ўтиши тамойилини жорий этиш мумкин.

Иқтисодий категория сифатида инсон капитали моҳияти ўзини намоён этиш шаклга эга бўлиб, бу унинг мазмуни ифодасидир. Инсон капитали мазмуни таркибига ялпи ички ўзаро боғлиқ элементлар тўпламига кирувчи субъектлар, обьектлар, алоқалар ва инсон капиталининг такрор ишлаб чиқариш бўйича субъектлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, ушбу алоқаларни тартибга солиш механизми, муносабатлар ва уларнинг шакллари киради. Ўзаро муносабатлар шакли мазмун, моҳиятни ташкил қилиш усули бўлиб у инсон капитали таркибий элементларини акс эттиради.

Инсон капиталининг таркибий элементлари тўғрисида турли хил фикрлар мавжуд. Ички меҳнат бозорида инсон капиталининг ҳаракатини тадқиқ этган Абдурахмонова Г.Қ. ва Бозорова С.А. хулосаларига кўра инсон капитали объектининг таркибий тузилиши қўйидаги таркибий элементларни ўз ичига олади:

- Таълим капитали, шу жумладанумумий ва маҳсус билимлар;
- Иш жойида ўқитиш капитали (малака, қўникма, иш тажрибаси);
- Соғлиқни сақлаш капитали;
- Даромад келтириш мумкин бўлган иқтисодий ахамиятга эгамаълумотларга (масалан, нархлар ёки даромадлар тўғрисида) эга бўлиш;
- Ишчининг ҳаракатчанлигини таъминловчи миграция капитали;
- Мехнат фаолиятини рағбатлантириш.

Инсон капитали замонавий иқтисодий фаннинг энг муҳим категорияларидан бири сифатида тан олинган. Бироқ "инсон капитали" категориясининг бошқа тегишли категориялар билан ўзаро боғлиқлиги муаммоси сақланиб қолмоқда. Иқтисодий адабиётларни тахлил қилиш шуни кўрсатдики, "инсон капитали" ва "ишчи кучи" иқтисодий категорияларига нисбатан энг турли, хилма-хил хулосаларга йўл қўйилмоқда. Масалан, рус олими С.Ю.Рошин ушбу икки иқтисодий категорияни ажратиб қўрсатиб: "ишчи кучининг сифат хусусиятлари, инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти, унинг маҳорати, билими, қўникмаларини инсон капитали деб ҳисоблаш мумкин деб таъкидлаб ўтади[9].

Биз ишчи кучи инсон капиталига энг яқин иқтисодий категория деган хулосани қўллаб қуватлаймиз. Инсон капитали тушунчаси билан юқоридаги тушунчаларни ўзаро таҳлил қиласиган бўлсак, масалан инсон капитали тушунчасининг негизини ишчи кучи, жисмоний ва ақлий қобилияtlари ташкил этади[10]. Шунинг учун ишчи кучини, инсон капитали билан аниқланмаслиги керак, хамда унга қарши хам қўйилмаслиги хам керак. "Ишчи кучи" ва "инсон капитали" категорияларининг ўзаро боғлиқдир. Инсон капиталига нисбатан меҳнат унинг бошланиши ва субстанциясиdir. Инсон капиталининг шаклланиши, биринчи навбатда, меҳнат қилиш қобилиятидан, яъни ишчи кучини шакллантиришдан ўтади. Аммо ишчи кучи аслида инвестициялаш жиҳатини ифода этмайди ва иш қобилиятини ривожлантиришга инвестицияларнинг капиталлашувини қўрсатмайди ва инсон капитали категорияси асосий эътиборни ходимга нисбатан турли йўналишили инвестициялар зарурлигига қаратишга имкон беради. Шундай қилиб, инсон капитали, тегишли ишчи кучи категориясидан фарқли ўлароқ, инвестициялар натижасида жамғарилиши мумкин. Инсон капитали кўпроқ имкониятларни акс эттиради, у инвестициялар натижасида жамғарилган қўшимча қобилият, билим ва қўникмалар

билин тавсифланади. Бинобарин, инсон капитали мустақил иқтисодий категория сифатида мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга, чунки у нафақат такорор ишлаб чиқарилиши, балки инвестициялар натижасида жамғарилиши, шунингдек келажакда юқори даромад келтириши мумкин.

Л.Туроу, инсон капиталини сотиб олиш ёки сотиш мумкин эмас, чунки у инсон ташувчисидан ажралмас ва айланма актив хам эмас деб ҳисоблади. Инсон капиталининг эгаси уни бошқа шахсга сота олмайди, чунки у ўзига хос хусусиятларига кўра фақат шу инсон организмига хос ва ундан ажралмасдир. Ходим ва иш берувчи ўртасидаги айирбошлаш обьекти бўлиб фақат фойдали ва харидорга нафлийлик келтирадиган меҳнат фаолиятининг маълум бир натижаси бўлиши мумкин. Бундай нафлийлик меҳнат томонидан бажариладиган хизматда мавжуд бўлади. Иш берувчи ва ходим ўртасидаги битим меҳнат хизматларини пулга айирбошлашдан иборат. Бинобарин, меҳнат бозорида айирбошлаш обьекти инсон капитали эмас, балки унинг меҳнат хизматидир. Ҳар қандай хизматнинг аниқ натижаси меҳнатдир, бунинг учун иш берувчидан талаб ва ходимдан таклиф мавжуд бўлиши керак. Шунинг учун меҳнат хизматларини иш ҳақига айирбошлаш жараёни меҳнат бозорида амалга оширилади. Шу билан бирга, бозор механизми билан тартибга солинадиган ходимлар ва иш берувчилар ўртасида бозор муносабатлари вужудга келади. Меҳнат хизмати таркибига инсон капитали хизмати киради. Айнан ушбу турдаги хизмат қиймат ва истеъмол қийматга эга бўлган, нархда ифодаланиши мумкин бўлган, инсондан ажралиб турадиган ва бозорда эркин айирбошланадиган хизматдир.

Шундай қилиб, инсон капитали қобилият, кўникма, билим ва тажрибалар тўплами сифатида жонли инсонда гавдаланади ва у сотилмайди ёки сотиб олинмайди. Инсон капитали бўлганлиги сабабли ёлланма ходим ўз меҳнати билан хизматни яратади, унинг меҳнат фаолияти натижасида пулга айирбошланиши мумкин. Меҳнат хизмати маълум бир нафлийлик шаклида иш берувчининг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган. Ходимнинг ҳаракатлари, унинг меҳнати ва инсон капиталининг сарфланиши натижасида меҳнат хизмати уларни такорор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ва қиймат билан ифодаланиши мумкин бўлган маълум харажатларни ўз ичига олади.

Инсон капитали хизмати инсон капиталининг такомиллаштириш босқичлари ўртасидаги боғлиқликни англаатади. Барча босқичлар ўзаро боғлиқ, бир-бири билан ўзаро таъсир қиласи ва ўзаро бирликда амалга оширилади. Инсон капиталини такорор ишлаб чиқариш фақат тегишли ишларни бажариш учун доимий ўзгариши даврида, ўзаро боғлиқ босқичларда етарли ҳажмда зарур билим, кўникма ва тажрибаларни эгаллашни таъминлайди. Инсон капиталининг шаклланиши инсоннинг меҳнат фаолияти бошланишидан олдин ҳам содир бўлган. Ушбу

босқичда оиладаги таълим-тарбия, мактабгача таълим муассасаларида, инсон танасининг барча қуий тизимларини соғлиқ ва қучнинг асоси сифатида ривожлантириш, бошланғич таълим, умумий ва касбий меҳнат фаолиятига тайёргарлик амалга оширилади. Ушбу босқичда саломатликни сақлаш ва яхшилаш катта аҳамиятга эга.

Тақсимот босқичи айирбошлаш босқичи билан кўриб чиқилади. Бозор иқтисодиёти шароитида тақсимот мустақил босқичга ажратилмайди. У айирбошлаш билан амалга оширилади ва унинг бевосита вазифасидир. Тақсимот ва айирбошлаш босқичи инсон капиталининг шаклланиши ва ундан фойдаланиши ўртасидаги боғловчи бўғиндир. Ташқи меҳнат бозорида ишчиларни саноат, соҳалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бўйича бирламчи тақсимлаш билан биргаликда айирбошлаш ҳам содир бўлади. Инсон капиталини тақсимлаш иш берувчининг талабига ва ташқи меҳнат бозорида инсон капитали хизматлари ходимининг таклифига мувофиқ амалга оширилади. Айирбошлаш ташқи меҳнат бозорининг иш фаолиятини таъминлайди. Ишчиларнинг тармоқлар, соҳалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги ҳаракати, ходимларга иш ҳақини бериш ташқи меҳнат бозори конъюнктурасига боғлиқ.

Инсон капиталидан фойдаланиш-бу меҳнат жараёнида маълум билим ва кўникмалар захирасини сарфлашни ифода этади. Инсон капиталидан фойдаланиш бу -унинг меҳнатини ўзидир. Иш жараёнида инсон ўз қобилияtlарини сарфлайди ва шу билан бир вақтда тажрибасини жамғариш орқали уларни ривожлантиради ва касбий малака даражасини оширади. Инсон янада мураккаб ишларга қодир бўлади, унинг меҳнат унумдорлиги ошади. Шундай қилиб, меҳнат жараёнида инсон капиталидан фойдаланиш туфайли инсоннинг индивидуал қобилияtlарини ривожлантириш амалга оширилади, билим, кўникма ва малакалар тикланади, жамғарилади ва такомиллаштирилади ва шу билан инсон капиталини такомиллаштириш таъминланади.

Инсон ўз қобилияtlарини такомиллаштиришга қизиқиши шахсни таълим, соғлиқни сақлашга қўшимча сармоялар киритишга ундейди, яъни, инсон капитали даражасини оширади. Ушбу босқичда инсон капитали учун энг муҳим вазифа инвестициялар орқали такомиллаштириш функциясини амалга оширишdir. Инсон капиталини такомиллаштириш жараёни қуйидаги (1 -расм).

1-расмдан кўринадики, инсон капиталини такомиллаштириш -бу инсон меҳнат қобилияtinинг доимий ҳаракатини, яъни уни шакллантириш, тақсимлаш, айирбошлаш ва меҳнат жараёнида фойдаланишни ифодалайди. Инсон капиталининг сарфланиши, шунингдек, уни жамғариш ва такомиллаштириш учун маълум харажатларни талаб қиласди. Яъни, инсон капиталини тиклаш ва уни такомиллаштириш учун инвестициялар зарур.



1-Расм. Инсон капиталини такомиллаштириш жараёни схемаси[11]

Соғлиқни сақлашга инвестициялар инсон капитали ташувчисининг жисмоний ривожланиши учун шароит яратишга мўлжалланган. Г. Беккер инсон капиталига сармоя киритишнинг муҳим натижаси бу "Инсоннинг жисмоний ва эмоционал ҳолатини яхшилаш[12]" деб ҳисоблаган. Ҳамма инсонларнинг табиатан соғлиғи бир-биридан фарқ қиласди. "Шунинг учун инсонга хос бўлган соғлиқ инсон капиталининг элементи бўла олмайди, фақат унинг омилидир. Аммо инсоннинг соғлиғини тиклаш ва яхшилаш учун қилинган инвестиция маблағларни яхши сабабларга кўра инсон капиталига инвестициялар деб ҳисоблаш мумкин.

"Таълимга инвестициялар-бу келажакда меҳнат унумдорлигини оширишни назарда тутадиган ва қўшимча равишда улар маълум бир шахс билан боғлиқ бўлган ресурсларнинг бир марталик харажатлариидир. Капиталнинг бошқа шаклларига киритилган инвестициялар билан таққослаганда, ушбу турдаги инвестициялар инсон ва умуман жамият нуқтаи назаридан энг фойдали ҳисобланади, чунки у ҳажм ва вақт жиҳатидан етарлича муҳим иқтисодий ва ижтимоий самарани беради.

Инсон капитали-бу инвестициялар ҳисобига шаклланган ва такомиллашган индивиднинг ялпи ишлаб чиқариш қобилиятлари, шахсий хусусиятлари ва мотивациялари йиғиндисини тавсифловчи, уларга тегишли бўлган мулк сифатида, иқтисодий фаолиятда

фойдаланилганда, меҳнат унумдорлигининг ўсишига ҳисса қўшадиган ва шу билан эгасининг даромадини (иш хақи) ва миллий даромади ўсишига таъсир қилувчи иқтисодий категория.

Эндоген ўсиш назариясида (америкалик иқтисодчилар П.Ромер, Р.Лукас ва бошқалар) узоқ муддатли даврда технологик тараққиёт иқтисодий ўсишнинг ягона сабаби ҳисобланмайди. Улар иқтисодий ўсиш сифати даражаси инсон капиталининг сифатига, инсон капиталини такомиллаштиришга таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳоказо омилларга боғлиқлигини илмий асослашди[13]. П.Ромернинг фикрича, “бугунги истеъмол билан эртага қилинадиган истеъмолни кенгайтириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган билимлар ўртасида айрибошлаш мавжуддир. П. Ромернинг назариясида иқтисодий ўсишнинг суръатлари янги билимларни эгаллаш соҳасида марказлашган инсон капитали миқдорига бевосита боғлиқдир. Ушбу назарияга мувофиқ, жамғарилган инсон капитали ҳажми катта бўлган мамлакатлар иқтисодий ўсишда юқорироқ суръатларга эришадилар. Р.Лукаснинг назарияси кўра инсон капиталининг жамғариш муайян ресурсларни талаб этадиган ҳамда муқобил чиқимлар сабаби бўлган фаол иқтисодий жараёндир[14]. Эндоген ўсиш назариясига кўра билимларни жамғарилиши, ишлаб чиқариш харажатларини камайиши, янгиликлар ва инновациялар иқтисодий ўсиш сифатининг муҳим омиллари бўлиб ҳисобланади.

Профессор Қ.Х.Абдураҳмоновнинг фикрича, “Инсон капиталини аҳамияти табиий ресурслар, моддий бойлик ва воситаларга қараганда юқорироқдир”[15]. Шунинг учун инсон капитали иқтисодий ўсиш ва самарадорликнинг асосий омилидир. Инсон капиталининг иқтисодий категорияси сифатидаги тушунчаси жаҳон ахборот ҳамжамияти ва “билимлар иқтисодиёти” ривожланиши билан биргаликда мунтазам равища кенгайиб бормоқда. Ҳозирги даврда инсон капитали интеллектуал ва бошқарув меҳнатини, яшаш ва меҳнат фаолияти мухитини қамраб оладиган иқтисодиётни, жамият ва оиласи ривожлантиришнинг интенсив ишлаб чиқариш омилидир. Бу инсон капиталини ривожлантиришнинг ишлаб чиқарувчи омили сифатида самарали ва оқилона амал этишини таъминлайди.

Инсон капитали назариясига мувофиқ, инсон капиталини жамғарилиши турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Уларнинг энг асосийлари таълим олиш ҳамда касбий тайёргарлик давомида қобилияtlарни такомиллашуви асосида капитални жамғарилишидир. “Инсоннинг қиймати” унинг ҳаёти босқичларида ортиб боради, бу қийматдан меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида фойдаланилади, айни пайтда шахсий капитал даромадларини кўпайтиради ва инсонни ўз қобилиятини янада оширишга шахсий инвестициялар киритишга рағбатлантиради. Одатда инсон капиталига киритилган инвестициялар деганда таълим, тарбия, соғлиқни сақлаш, ҳамда инсоннни қайта

таёрлаш ва малакасини ошириш учун қилинган харажатлар тушунилади.

Таълимга инвестицияларни шартли равища расмий ва норасмийларга бўлиш мумкин. Таълимга расмий инвестициялар бу аҳоли томонидан ўрта маҳсус, касб-хунар, ва олий таълимда ва олий таълимдан кейинги таълимда ўқиш жараёнида оладиган профессонал тайёргарлик ва қайта тайёргарлик билан белгаланади. Таълимга норасмий инвестициялар илмий ва бадиий адабиётларни ўқиш, ўйин ва ўқув компьютерларини ривожлантириш, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, турли тугаракларда такомиллаштириш натижасида шахснинг ўзини ўзи тарбиялаш учун асосий зарурий шартdir. Инвестициялаш оила, компания, давлат ва шахснинг ўзи даражасида амалга оширилади. Фарзандларга сармоя киритиш-бу оила даражасида инсон капиталига сармоя киритишнинг асосий шакли. Ушбу инвестициялар келажакда ота-оналарнинг муайян эҳтиёжларини қондириш, болаларнинг истиқболда бевосита пул ёрдами шаклида даромад келтиради. Болаларнинг инсон капиталини жамғаришида марказий рол ота-оналарга тегишли. Давлат хам маблағларининг катта қисмини таълимга сарфлайди, чунки яхши маълумотли аҳоли мамлакат тараққиётининг асосий таянчидир. Иш берувчилар ўз ходимларининг малакасини оширишга тайёр, чунки улар ўз харажатларини қопланишини ва ишчиларнинг юқори меҳнат унумдорлиги туфайли қўшимча фойда олишларини кутишади. Инсон капиталининг сифат белгиси - бу инсон капитали сифатининг таркибини ташкил этувчи алоҳида элементларга бирлаштирилиши мумкин бўлган ўзига хос хусусиятлар тўпламидир.

Хуносава таклифлар

1. Инсон капитали ва ишчи кучи ўртасида умумийлик ва фарқ мавжуд. Улар бир-бирига ўхшашки, чунки улар ўз ташувчисидан ажralmasdir, бу ишлаб чиқарувчи шахс моҳиятининг бирлигини англатади ва умумий субстанционал асос - инсоннинг ишлаш қобилиятига эгалигидир.

2. Инсон капитали-бу инвестициялар ҳисобига шаклланган ва такомиллашган индивиднинг ялпи ишлаб чиқариш қобилиятлари, шахсий хусусиятлари ва мотивациялари йиғиндисини тавсифловчи, уларга тегишли бўлган мулк сифатида, иқтисодий фаолиятда фойдаланилганда, меҳнат унумдорлигининг ўсишига ҳисса қўшадиган ва шу билан эгасининг даромадини (иш хақи) ва миллий даромади ўсишига таъсир қилувчи иқтисодий категория.

3. Таълим соҳасида глобаллашув жараёнларини икки тенденция шаклида намоён бўлмоқда. Бир томондан, таълимнинг глобаллашуви жараёни натижасида миллий олий таълим тизимларининг ўзаро хамкорлиги ва бир-бирига қўшилиши билан тавсифланади. Бошқа томондан, глобал таълимни шаклланиш жараёни юз бермоқда.

4. Бизнингча инсон капитали - бу иқтисодий ўсишга хамда инсонлар фаровонлигини оширишга ҳисса қўшадиган, индивиднинг ҳаёт фаолияти давомида олинган ва жамғарилган ялпи билим, касбий малака қобилияtlари йифиндицидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Т.// Халқ сўзи, 2022 йил 21 декабрь.
2. Fisher I. Senses of Capital / I. Fisher // Econ. J., VII (June, 1897). – P. 201-202; Fisher I. The Nature of Capital and Income / I. Fisher. – London : Macmillan & Co., 1927. – P. 51-52.
3. Корогодин И.Т. Социально-трудовая система: вопросы методологии и теории / И.Т. Корогодин: монография. – М.: 2005. - С. 122.
4. Schultz T.W. Investments in Human Capital : The Role of Education and of Research / T.W. Schutz. – New York : Macmillan & Co., Free Press, 1971.
5. Абдурахмонова Г.Қ., Бозорова С.А. Инсон капитали иқтисодиёти. - Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2022. Б. 29.
6. Акромова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиш шароитида инсон капиталининг ривожланиши: Монография. Т.: “Иқтисодиёт ва молия” 2004. Б.156.
7. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Инсон капитали ривожланишининг тенденциялари ва табақалашининг минтақавий жиҳатлари. Журналь. “Иқтисод ва молия”. 2023 йил. №5. Б.3-9.
8. Солодуха П.В. Институциональные основы воспроизводства человеческого капитала. Монография / П.В. Солодуха. – М. : Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 2004. - С. 36.
9. Рощин С.Ю. Экономика труда: экономическая теория труда : учеб. пособие / С.Ю. Рощин, Т.О. Разумова. – М. : ИНФРА, 2001. – С. 125. Рощин С.Ю. Экономика труда: экономическая теория труда : учеб. пособие / С.Ю. Рощин, Т.О. Разумова. – М. : ИНФРА, 2001. – С. 125.
10. Бабаджанова М.Р. Инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришда таълим хизматлари бозорининг ахамияти. (Монография). -Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-батбаа уйи”, 2023, Б.14.
11. Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.
12. Беккер Г. Человеческий капитал (главы из книги). Воздействие на заработки инвестиций в человеческий капитал / Г. Беккер // США : экономика, политика, идеология. – 1993. - № 11. – С. 109.
13. Romer P. (1990). Endogenous technological change. Journal of Political Economy, Vol. 98, No. 5, pp. 71—102.
14. Лукас Р.Э. Лекции по экономическому росту / Пер. с англ. Д. Шестакова. — М.: Издательство Института Гайдара, 2013. — С.288.
15. Абдураҳмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти. -Т.: Мехнат, 2009.



Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali

+998 71 239 28 13



Tashkent, Uzbekistan